

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил апрель ойининг 27 кунини жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг очиқ суд мажлисида, ўз биносида, раислик қилувчи шаҳар судининг раиси У.Каримов, судья ёрдамчиси О.Абдулхамидовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ё.Сиддиқов, судланувчи Д.К ва унинг ҳимоячиси адвокат Л.Ахмедовларнинг иштирокида, судланувчи К.Д.У ўғлига нисбатан 1-1701-2201/301-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

К.Д.У, 1997 йил 23 январда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, бўйдоқ, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, Андижон шаҳрида яшаган, иши бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 6 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи К.Д.У ўғли, 2022 йил 8 февраль кунини соат 17 ларда Андижон шаҳри, Мустақиллик МФЙ, Юксалиш кўчаси 38-уй олдида таниши А.Ш.Ф ўғли билан ўзаро тортишиб, жанжал вақтида ёнида бўлган совуқ қурол хўжалик пичоғи билан Ш.Анинг қорин қисмига бир марта қасдан уриб, ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 24 мартдаги №1507-сонли хулосасига кўра, Ш.Ада қорин бўшлиғини тешиб ўтувчи санчиб кесилган жароҳати ва ўз йўналишида жигар ўнг бўлмасини жароҳатланиши, ички кон кетиши, геморогик перитонит, постгеморогик шок оғир даражаси, қорин олди деворида санчилган кесилган жароҳатлар каби жароҳатлар аниқланиб, мезонига кўра, ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати турига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Д.К Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.



Судланувчи Д.К судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2022 йил 8 февраль куни қўшниси Азизбек унга қўнғироқ қилиб, яшаш хонадони кириш қисми ва ошхонасидаги электр жихозларини таъмирлаш кераклигини айтиб, ундан ёрдам сўраганида, рози бўлиб, шу куни соат 16 ларда уни хонадонига чиққанида, таниши Ш.А телефон қилиб, хол ахвол сўраб, уни қаерда эканини сўраганида, у йўлда эканини, тахминан 10 дакикаларда олдига келишини айтганини, бироз вақт ўтиб, Ш.А келганини айтганида, қўлидаги иш устида бўлган пичоқ билан ташқарига чиқиб, у билан бироз гаплашиб, ҳазиллашиб, ерга йиқилиб тушишганида, қўлидаги пичоғи эҳтиётсизлик натижасида унинг қорин қисмига кириб кетганини, уни кийими йиртилиб қолганини кўриб, ўша ердаги таниши Б.Хўжамбердиев билан биргаликда уни автомашинага солиб, тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида шифохонага олиб боришганини, жабрланувчига нисбатан қасддан пичоқ уриб тан жарохати етказмаганини, қилмишидан пушаймондалигини кўрсатди.

Жабрланувчи Ш.А судда, 2022 йил 8 февраль куни соат 17 ларда унга Д.К телефон қилиб, уни шахсиятига тегадиган турли сўзлар билан уни ҳақорат қилиб, олдига келишини, гаплашиб олишларини айтганида, уни Андижон шаҳри, Юксалиш кўчасида эканини билиб, таниши Б.Хўжамбердиев билан “Лада” автомашинаси боришгани, автомашинани йўл четига тўхтатиб, шеригига автомашинада ўтириб туришини айтиб, ўзи Д.Кни кўчада турганини кўриб, уни олдига бориб, нима учун уни ҳақорат қилганги, у тўғрисида гап таркатаётганини сўраганида, у қўлидаги пичоғини кўрсатиб, уни яна ҳақорат қила бошлаганида, жахли чиқиб, ўзини босиб олишини айтиб, уни елкасидан ушламоқчи бўлганида, қўлидаги хўжалик пичоғи билан уни қорин қисмига бир марта зарба бергани, ерга йиқилиб тушгани, Д.К кўрқиб кетиб, пичоқни ерга ташлаб юборгани, таниши Б.Хўжамбердиевни олдига чақиргани, у шифохонага олиб боргани, судланувчи Д.Кга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини кўрсатиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ Б.Хўжамбердиев судда, судланувчи Д.К ва жабрланувчи Ш.Аларни яхши таниши, 2022 йил 8 февраль куни таниши Ш.А билан кўришиб, савдо тушумларини Андижон шаҳри, Истиқлол кўчасида жойлашган АТБ “Алоқа банк” филиалига бориб келишларини айтганида, рози бўлгани, шу куни Ш.Ани бироз маст холда эканини билгани, автомашинани ўзи бошқаргани, шу орада у Д.Кушаков билан суҳбатлашиб, унга йўлда экани, тез орада унинг олдига бориб қолишини айтгани, Андижон шаҳри, Юксалиш кўчасига бориб, йўл четидаги уй олдида автомашинани тўхтатгани, ўзи автомашинада қолгани, Ш.А автомашинадан тушиб, кўчада турган Д.К билан кўришгани, шу орада уларни ўртасида ни содир бўлганини билмай қолгани, уларни йиқилганини кўрсамгани, пичоқ билан жароҳат етказганини ўз кўзи билан кўрмагани, жароҳат олганини кўриб, уни шифохонага олиб боргани ҳақида кўрсатув берди.



Судланувчи Д.Книнг совуқ қурол хўжалик пичоғи билан Ш.Анинг қорин қисмига қасддан уриб, ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказганликдан иборат ҳаракатлари унинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, нарсани олиш, суд-тиббий, судга оид совуқ қурол экспертизаси хулосалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд, судланувчи Д.Книнг юқоридаги ҳаракатлари ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавfliлик даражасига мувофиқ бўлиши, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши, ЖПКнинг 455-моддасида ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация қилинган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки айбдорнинг шахси, жиноят содир этиш пайтдаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитини ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиш мумкинлиги (масалан, моддий зарарни тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги,



жабрланувчининг жиноят содир этишга туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к) ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Д.Кга жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни муқаддам судланмаганини, бўйдоқлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатувларини енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, енгиллаштирувчи ҳолатларни айтиш вақтда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикасида ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил тариқасида олиниб, Андижон шаҳар ИИОФМБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 1 дона хўжалик пичоғини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

К.Д.У Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан айбли деб топилсин.

Д.Кга Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 9 февралдан бошлаб ҳисобланиб, жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, Андижон шаҳар ИИОФМБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 1 дона хўжалик пичоғи тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят келтириш ёки протест билдириш ҳуқуқига эгадирлар

Раислик қилувчи

(имзо)

У.Каримов



**Ҳукм кўчирмаси аслига тўғри,
Жиноят ишлари бўйича
Андижон шаҳар судининг раиси**

У.Каримов

Ҳужжат имзоланган: Каримов Улуғбек Авазхонович, 16.05.2022

Раислик қилувчи

(имзо)

У.Каримов

Ҳукм кўчирмаси аслига тўғри,



**Жиноят ишлари бўйича
Андижон шаҳар судининг раиси**

У.Каримов

Ҳужжат имзоланган: Каримов Улуғбек Авазхонович, 16.05.2022

